

Садафзал САИДЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси катта ўқитувчиси
saidafzal@mail.ru

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЗҲАБСИЗЛИК МУАММОСИ

О ПРОБЛЕМЕ БЕЗМАЗҲАБНОСТИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

ABOUT THE PROBLEM OF NON- MADHHABNESS IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

Аннотация: Глобаллашув шароитида кўпчилик томонидан ислом таълимотини ўзида тўғри акс эттирганлиги эътироф этилган фикҳий мазҳабларнинг диний-маърифий соҳадаги аҳамияти ортиб бормоқда. Мазҳаблардаги илмийлик, муътадиллик, бағрикенглик тамойиллари асрлар давомида ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Мақолада мазҳабларнинг келиб чиқиш тарихи, моҳияти ва аҳамияти ҳамда глобаллашув шароитида мазҳабсизлик муаммосининг салбий оқибатлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: глобаллашув, диний соҳа, мазҳаб, ижтиҳод, ижтиҳод даражалари, мужтаҳидлар, тамазҳуб, ислом ислоҳотчилиги, мазҳабсизлик, ломазҳабия.

Аннотация: В условиях глобализации растет роль и значение юридических школ – мазхабов в области религиозного просвещения, которые по общепринятому убеждению считаются правильным отражением исламского учения. Принципы науки, умеренности и терпимости в исламских толках веками укрепляли социальную стабильность. В статье рассматриваются история, сущность и значение происхождения исламских толков, а также негативные последствия проблемы безмазхабности в условиях глобализации.

Ключевые слова: глобализация, религиозная сфера, исламский толк, уровни иджтихада в исламской юриспруденции, муджтахиды, следование мазхабам, исламское реформаторство, безмазхабность, ла мазхабия

Resume: In the context of globalization, the role and importance of law schools - madhhabs in the sphere of religious education, which, according to the

generally accepted opinion, are considered to be the correct reflection of Islamic teachings - is increasing. The Islamic principles of science, moderation, and tolerance are reflected in the teachings of the madhhabs and have strengthened social stability for centuries. The article examines the history, essence, and significance of the origin of Islamic madhhabs, as well as the negative consequences of the problem of non-madhhabs in the context of globalization.

Keywords: globalization, religious sphere, Islamic sense, levels of ijtiḥad in Islamic jurisprudence, mujtahids, follow to madhhabs, Islamic reformism, non-madhabness, la madhabiya

Глобаллашув жараёнининг диний соҳага таъсири. Глобаллашув ҳаётий жараёнларнинг тезлашиши, ҳар соҳадаги ўзгаришлар суръатининг ўсишини англатар экан, ундан диний-маърифий соҳа ҳам четда қолгани йўқ. Мутахассислар томонидан глобаллашувнинг диний жараёнларга таъсири борасида илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борилган, уларга бағишланган мақолалар, рисола ва китоблар чоп этилган.

Глобаллашувнинг диний соҳага таъсири ҳақида сўз борганда икки жиҳат яққол ажралиб туради:

Биринчидан, деразани очсангиз тоза ҳаво билан биргаликда чанг-ғубор ҳам кириб келади, деган нақлга асосан, глобаллашув соҳта диний хабар ва маълумотлар таъсири доирасини кенгайтишига ҳам таъсир кўрсатди.

Соҳта диний хабар ва маълумотларнинг тури ва адади кам эмас. Интернет орқали тарқатилаётган дин никобидаги радикализм, экстремизм, терроризм, миссионерлик каби бузғунчи ғоялар домига айрим ёшларнинг тушиб қолаётгани маълум ҳақиқат. Ана шундай бузғунчи ғоялардин бири бу мазҳабсизликдир.

Иккинчидан, глобаллашув диний соҳада ахборот алмашиш имкониятини аввал мисли кўрилмаган даражада кенгайтди. Интернет орқали диний маълумотлар олишга интилувчиларнинг сони ортиб бораётганининг ўзи бу сўзларга далил. Бу жараёнлар исломдаги мазҳабларнинг ўрни ва мақомини аниқ кўрсатиб берди. Ислом дини келгандан кейин бир аср ўтар-ўтмас турли диний-ҳуқуқий (фикҳий) мактабларнинг пайдо бўлишига замин яралди. Диндаги ҳуқуқий масалаларни ечишда асосий ролни мазҳаб асосчилари ўтади [1:5]. Исломдаги фикҳий мазҳаблар ҳақида сўз борганида аввало

уларнинг асосчилари мужтаҳидлар ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтиҳод ва мужтаҳидлар. Маълумки, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларнинг адади чегараланган. Ҳаётда содир бўладиган турли муаммолар, юзага келадиган ҳар хил саволлар саноғи эса чегараланмаган. Демак, ҳар бир масалага оят ёки ҳадисдан тўғридан тўғри жавоб топиш мушкул. Шунинг учун, Қуръон ва ҳадисда ечими бевосита баён қилинмаган масалаларда фикҳ илми олимлари - фақиҳлар учун ижтиҳод қилишга рухсат қилинган [3:81].

Ижтиҳод сўзи луғатда бирор мақсадга эришиш йўлида бор имкониятни сарфлаш маъносини билдиради. Ижтиҳоднинг истилоҳий маъноси фақиҳ ўзининг бор салоҳиятини Қуръон ва ҳадисда ҳукми аниқ - равшан баён қилинмаган масаланинг ечимини топишга сарфлашини англатади. Масалан, Қуръони каримда савдо-сотик ҳақида саноқли оят келган. Бу борада нақл қилинган ҳадисларнинг сони ҳам кўп эмас. Бироқ, олди-сотди масалаларга бағишланган алоҳида китоблар тасниф этилган. Юзага келган минглаб саволларга жавоб берилган. Ниманинг ҳисобига? Ахир ислом манбаларида савдо борасида далиллар кўп эмас-ку, деган савол юзага келиши табиий. Бунга олимларнинг ижтиҳоди ҳисобига, дея жавоб бериш мумкин.

Ижтиҳод қилувчи олимга мужтаҳид дейилади. Ҳар бир олим ҳам мужтаҳид бўлавермайди. Балки мужтаҳид илмнинг камида 5 соҳасини мукаммал билиши зарур бўлади:

1. Қуръони карим оятларини, уларнинг маънолари, нозил бўлиш сабабларини энг нозик жиҳатларигача ёддан билиши.

2. Ҳадиси шарифларни, уларнинг маъно-муродлари ҳамда ровийлари билан ёддан билиши.

3. Саҳоба ва тобеъинлар ҳамда ўзидан олдин ўтган мужтаҳид олимлар фатволарини яхши билиши.

4. Қиёс илмини яхши билиши.

5. Араб тилини мукаммал билиши.

Бу талаблар мужтаҳидликнинг энг қуйи мартабаси учун қўйилган. Баъзи манбаларда мужтаҳид даражасига етиш учун илмнинг ўн икки хил соҳасини билиш зарур дейилган. Бунда нафақат диний, балки дунёвий билимлар ҳам назарда тутилган. Масалан, машҳур

“Ҳидоя” асарининг поклик бобида мунозара қилган фақиҳлар инсон танасида кечадиган ўзгаришлардан, бошқачароқ ифода этсак, бугунги кундаги анатомия, биология каби фан соҳаларидан хабардор бўлганлар. Шунингдек, қиблани топиш, ой кунларини аниқлаш учун астрономияни, мерос масалаларининг ҳал этиш учун математикани билиш керак бўлган. Ал-Хоразмий Қуръондаги меросга оид масалаларни ечиш юзасидан ҳисоб-китоб олиб бориб, алгоритмга асос солгани ҳақидаги маълумот машҳурдир. Мутахассислар буюк алломанинг нафақат математика каби дунёвий илмлар билимдони, балки фикҳ илмини яхши билувчи ҳанафий мазҳаби фақиҳи эканини эътироф этганлар [4:24].

Ўтмишда ўтган ҳар бир мужтаҳид ўзи яшаётган диёр шарт - шароитини ҳам яхши билган ва бу муҳит унинг фатволарида ўз аксини топган. Шунинг учун турли диёрлардаги мужтаҳидларнинг баъзи масалалар бўйича берган фатволари бир-бирига ўхшаш бўлмаган. Масалан, Имом Шофеий (р.х.) Ҳижозда яшаётганида бир фатвони берган бўлса, Мисрга борганидан сўнг ундаги шарт - шароит тақозосидан келиб чиққан ҳолда бошқача фатво берган. Ёки бир масала бўйича Ироқда яшаган Имом Абу Ҳанифа (р.х.) билан, Мадинада яшаган Имом Молик (р.х.)нинг фатволари бир биридан фарқ қилган. Ҳар бир мусулмон ислом ҳукмларига ўз диёрларидаги мужтаҳидларнинг фатволарига мувофиқ амал қилган. Бу исломда мазҳабларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Ижтиҳод даражалари. Мужтаҳидлик мақомига эришиш учун илмнинг камида беш соҳасини мукаммал билиш талаб этилиши маълум. Мазкур талаб ижтиҳоднинг энг қуйи даражаси учун белгиланган [3:84]. Фикҳ ва фақиҳларга бағишланган китобларда ижтиҳоднинг қуйидаги етти даражаси мавжудлиги зикр қилинган:

1. Мужтаҳиди мутлақ. Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит, Муҳаммад ибн Идрис Шофеий, Молик ибн Анас, Аҳмад ибн Ҳанбал, Суфёни Саврий, Абдурахмон Авзоъий каби ҳам усулий, ҳам фаръий масалаларда мустақил ёндашувга эга бўлган ҳамда ўз фикҳий мазҳабларига асос солган мужтаҳидлар.

2. Мужтаҳиди мазҳаб. Усулда мазҳаббошига эргашган, аммо айрим жузъий масалаларда у билан фарқли қарашга эга бўлган мужтаҳидлар.

Имом Аъзамнинг икки машҳур шогиржи Имом Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийлар каби.

3. Мужтаҳиди мунтасиб. Усулда ҳам фуруъда ҳам мазҳаббошига эргашган ҳолда мазҳаббошидан ҳеч қандай ривоят бўлмаган масалаларда фатво берган мужтаҳидлар.

4. Мужтаҳиди мухарриж. Бир мазҳабдаги мужтаҳидларнинг турли фатволари орасидан далили кучли ва саҳиҳини ажратиб берган мужтаҳидлар.

5. Мужтаҳиди муражжих. Бир мазҳабдаги мужтаҳидларнинг фатволарини саралаб, улардан қайси бири яхшироқ ва ҳақиқатга яқинроқ эканини аниқлаб берувчи мужтаҳидлар. Айрим олимлар мухарриж ва муражжих даражалари асли бир тоифа дейдилар. Мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин бўлгани учун.

6. Муфтийлар ва хуффозлар. Мужтаҳид даражасига етмаган, мазҳаб масалаларида мустақил фатво бера олмайдиган, аммо фикҳни чуқур ўзлаштирган, мазҳабдаги фатволарнинг кўпини ёд олган (хуффоз – ҳофизнинг кўплиги – ёдлаган, ёдлаганлар) кишилар. Улар мазҳаб фатволарини кишиларга етказиб берувчилардир.

7. Муқаллидлар. Ижтиҳод ва фатво даражасига етмаганлар. Уларга мазҳабга эргашиш вожибдир.

Мазҳабларнинг юзага келиши. Мазҳаб сўзи арабча “йўл, йўналиш” маъносини билдириб, истилоҳда “бирор диний масала, муаммо бўйича муайян мужтаҳид олимнинг фатвосига эргашиш” маъносини билдиради. Илк ислом даврида мазҳаблар кўп бўлган. Аммо вақт ўтиши билан улар орасидан 4 йирик мазҳаб: ҳанафийлик, моликийлик, шофеийлик, ҳанбалийлик ажралиб чиққан. Бу тўрт мазҳаб икки ақидавий таълимот: мотуридия ва ашъария билан биргаликда “Аҳли сунна вал жамоа” деб аталадиган суннийлик йўналишини ташкил этади.

Тўртинчи ҳижрий асргача кўплаб мужтаҳидлар фаолият олиб борган, ҳар бирининг ўзига хос услуби, йўналиши бўлган ва кўпларининг ўз мазҳаблари бўлган [4:25]. Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ас-Шаъроний (ваф. 973/1565) ўзининг “ал-Мийзан аш-шаъронийя” асарида мазҳаблар сонини қуйидагича зикр қилган:

1. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) (ваф. 32/653) мазҳаби
2. Оиша (р.а.) (ваф. 58/678) мазҳаби
3. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) (ваф. 73/692) мазҳаби
4. Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам (ваф. 101/720) мазҳаби
5. Мужоҳид ибн Жобир (ваф. 104/722) мазҳаби
6. Шайбӣ (ваф. 103/721) мазҳаби
7. Ато ибн Абу Рабоҳ (ваф. 114/732) мазҳаби
8. Ал-Аъмаш Сулаймон ибн Меҳрон (ваф. 148/765) мазҳаби
9. Имом Аъзам (ваф. 150/767) мазҳаби
10. Суфён ас-Саврий (ваф. 161/778) мазҳаби
11. Имом Лайс ибн Саъд (ваф. 175/791) мазҳаби
12. Имом Молик (ваф. 179/795) мазҳаби
13. Суфён ибн Уяйна (ваф. 198/814) мазҳаби
14. Имом Шофеъий (ваф. 204/820) мазҳаби
15. Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Роҳавайх (ваф. 238/852) мазҳаби
16. Имом Аҳмад (ваф. 241/855) мазҳаби
17. Имом Довуд (ваф. 270/884) мазҳаби
18. Муҳаммад ибн Жарир Табарий (ваф. 310/923) мазҳаби

Ушбу мужтаҳидлар асос солган мазҳабларнинг ҳаммаси ҳам ўз вақтида амалда бўлган. Лекин вақт ўтиши билан муайян омилларга кўра, бу мазҳабларнинг орасидан тўрт мазҳаб ажралиб чиқди. Бизнингча, тўрт мазҳаб сақланиб қолишининг асосий омили бу мазҳаблар таълимотлари бошқа мазҳаблардан кучлироқ экани эмас, балки тўрт мазҳаб бошқа ўн тўрт мазҳаб таълимотини ҳам қамраб олганидир. Масалан, ҳанафий мазҳабининг шаклланишида Абдуллоҳ ибн Масъуд мазҳабининг таъсири кўзга ташланади. Зеро, Абдуллоҳ ибн Масъуд Куфада асос солган фикҳий мактабни унинг шогирди Алқама давом эттирди. Алқамадан Иброҳим Наҳаъий, Наҳаъийдан эса Ҳаммоид ибн Аби Сулаймон фикҳ илмини ўрганди. Ҳаммоид ибн Аби Сулаймоннинг энг яқин ва асосий шогирди бўлиб Имом Аъзам танилди.

Имом Аъзам фикҳ илмини ўрганган устозлари қаторида Абдуллоҳ ибн Умар издошларини зикр этган. Демак Абу Ҳанифа мазҳаби ўзида Ибн Умар мазҳабини ҳам акс

эттирган деган хулосага келиш ўринли. Имом Молик Нофедан, Нофеъ Абдуллоҳ ибн Умардан, Ибн Умарнинг Расул а.с.дан ривоят қиладиган ҳадислар санади муҳаддислар томонидан “Олтин санад” дея эътироф этилган. Бундан Имом Молик ва Абдуллоҳ ибн Умар мазҳаблари ўртасида ўзига хос боғлиқлик мавжуд бўлгани келиб чиқади. Имом Шофеий ёш чоғида Суфён ибн Уяйнанинг илмий мажлисларида қатнашгани маълум. Шу тарзда мазҳаблар орасидаги боғлиқлик ва ўхшаш жиҳатлар ҳақида кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Ибн Ражаб ал-Ҳанбалий (ваф. 795/1393) ўзининг “Тўрт мазҳабни инкор қилувчиларга раддия” асарида кўплаб мазҳаблар орасидан айнан тўрт мазҳаб сақланиб қолганини Қуръони каримнинг етти қироатидан фақат биттаси қолганига ўхшатади. Пайғамбар (а.с) га Қуръони карим етти хил лаҳжада нозил бўлган. Кейинчалик ислом дини атрофга кенг ёйилиб, мусулмонларнинг сони ортиб борди ва қироат борасида улар ўртасида баъзи ихтилофлар келиб чиққач, Усмон ибн Аффон (р.а.) етти қироатдан фақат биттасини қолдиришга қарор қилди. Оқибатда, бугун ер юзи мусулмонлари Қуръонни фақат бир қироатда ўқийдилар. Демак, кўплаб мазҳаблар орасидан фақат тўрттасининг сақланиб қолгани асрлар давомида инсонларни турли зиддиятлар ва ихтилофлардан ҳимоя этишда асос бўлган.

Мусулмонларнинг орасида ҳидоят йўлидан адашмаган, мўътадил ва бағрикенг, мусаффо эътиқодли, покиза диёнатли, Навоий таъбири билан айтганда “дили поку, тили пок” йўналиш сифатида айнан суннийлик эътироф этилган. Зеро, дил ва тил бирлиги суннийлик асосини ташкил этади. Мусулмон киши дунё ва охираат саодатига эришмоғи учун ақидада ҳам, фикҳда ҳам суннийликдаги бирон бир мазҳабга мансуб бўлмоғи зарурдир. Лекин, ҳамма ҳам бу ҳақиқатни бирдек тан олмайди. Тарихда ҳам, ҳозирда ҳам мўъмин-мусулмонларни турли адашган фирқаларга чорлаш ҳолатлари учраб тургани, бу ҳолат ҳатто мазҳабларни инкор қилишга олиб келгани маълум. Шунинг учун исломнинг моҳиятини тўғри англаган олимлар, таъбир жоиз бўлса, соҳанинг забардаст мутахассислари тўрт мазҳабдан бирига эргашиш лозим эканини таъкидлашган ва мазҳабларни инкор қилувчиларга илмий асосда раддиялар беришган.

Мазҳабсизлик ғоясининг келиб чиқиши.

Мазҳабсизлик – суннийлик мазҳабларидан бирига эргашиш лозимлигини инкор қилиш ва мусулмон кишида мазҳабга эргашиш мажбурияти йўқлигига даъво қилишдир. Бу араб тилида “ломазҳабия” ибораси орқали ифода этилади. Мазҳабга эргашишни араб тилида “тамазҳуб” дейилади. Мазҳабсизлик ғояси XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида Мисрда бошланган ва кейинчалик мусулмон дунёсига ўз таъсирини ўтказган ислохотчилик ҳаракати билан боғлиқдир.

Таъкид жоиз, мазҳабсизлик ғояси илк куртак ёзган пайтларданок замон уламоларининг танкиди ва таъкибига учради. “Аҳли сунна вал-жамоа”нинг таникли олимлари мазкур салбий иллатга қарши раддиялар битдилар. Улардан бири Имом Муҳаммад Зоҳид Кавсарий (1878-1952)дир. Ҳанафий мазҳаби намояндаси, суннийлик ақидаси ҳимоячиси бўлган аллома Кавсарий 50дан ортик асарлар муаллифи бўлиб, ўзининг китоб, рисола ва мақолаларида ислом таълимотининг асл моҳиятини асослаб берди ва уни бидъат ва залолатдан ҳимоя қилиш учун бор салоҳиятини сарфлади. Алломанинг 55 мақоладан ташкил топган ва кўпчилик уламолар эътирофига сазовор бўлган “Кавсарий мақолалари” асарининг бир мақоласи “Мазҳабсизлик динсизликка кўприк” деб номланади [8:129]. Мазкур мақолада суннийлик мазҳабларнинг ҳар бирига саҳоба ва тобеъийнларнинг чинакам издошлари томонидан асос солингани илмий асосда, аниқ далиллар воситасида баён қилинади. Унда жумладан шундай дейилади: “Бугунги кунда мазҳабларни инкор қилувчилар Ислом аввалидан то ҳозиргача яшаб ўтган мазҳаб асосчилари ва мазҳабга эргашган мужтаҳидларни хато қилган деб ҳисоблаб, уларни мусулмонларнинг бўлинишлар ва ихтилофлари сабабчилари деб топиб, ўзларини ўтган мужтаҳидларнинг хатоларини аниқловчилари ва тузатувчилари деб билсалар, бу жоҳиллик ва ғофилликнинг энг юқори нуктасидир”. [9:1]

Мазҳабсизликнинг салбий оқибатлари.

Бугун ҳам ўзини ислом ислохотчилик ҳаракати вакиллари деб ҳисоблайдиган айрим шахслар томонидан мазҳабсизлик ғояси тарғиб этилмоқда. Кўзга кўринган уламолар томонидан мазҳабсизлик ғояси қаттиқ танқид қилинади. Масалан, суриялик машҳур олим Шайх

Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий (1920-2013), Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф (1952-2014), Юсуф Қаразовий (1926 йилда туғилган) кабилар мазҳабсизлик ғоясига қарши асарлар битганлар. Рамазон Бутийнинг “Мазҳабсизлик ислом шариатида таҳдид солувчи энг хатарли бидъатдир” асари Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф томонидан ўзбек тилига ўғирилган [7:1]. Шунингдек, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Мазҳаблар – бирлик рамзи” китоби ҳам айни мавзуга дохилдир [2:1]. 2000 йил Россия муфтийлар Кенгаши тўрт фикхий мазҳабни инкор қилишни радикализм ва экстремизм белгиларидан эканини эътироф этди [11:138].

Сабаби, ислом динининг моҳияти унинг мазҳабларида ифодалаб берилган. Мазҳабсизлик – исломнинг асл таълимотидан узоқлашишдир, бинобарин, исломдан узоқлашишдир. Бир диннинг асл таълимотидан йироқ бўлиш, оқибатда шу диндан жудо бўлишга, яъни динсизликка олиб боровчи йўл экани олимлар томонидан эътироф этилган.

Хулоса. Олимлар ва фақиҳларнинг асрлар давомида Қуръон ҳамда суннат маъноларини оммага тушунтириб бериш йўлидаги тинимсиз меҳнатлари сабаб мазҳаблар, яъни ислом таълимотидаги асосий йўналишлар юзага келди. Мазҳаблар моҳияти ва аҳамиятини мантиқ ҳамда тафаккур асосида қўйидагича изоҳлаш мумкин.

Темирдан асбоб-ускуна яшашни бошлаган инсон, замонлар ўтиб бугун ундан самолёт ясамоқда ва самода ер юзи бўйлаб саёҳат қилмоқда, тезйорар поездларда қисқа муддатда шаҳарлараро қатнамоқда. Энди бир одам шунча мутахассиснинг меҳнатини инкор қилиб, мен ўз тафаккурим билан поезд ёки самолёт яшашни қайтадан кашф этаман ва олдингиларидан зўр қилиб, мутлақо бошқача шаклда ясайман, уларда ишлатилган технологияларнинг бирортасини ишлатмайман ва ўзим ясаган жиҳоз билангина осмонга учаман ёки узоқларга қатнайман деса тўғри бўлмайди. Мазҳабларни инкор қилиш ҳам худди шунинг ўзи [4:28].

Тайёр пиширилган нонни емай, ҳар бир одам ўзи учун бугдой экиб, ўриб, тегирмондан ўтказиб, тандир қуриб, хамир қориб, нон ясаб, пишириб, ундан кейингина ейиши мантиқсиз. Ҳар бир инсон ўзи мазҳаб тузаман дейишини мутахассислар электрни қайтадан кашф

қилиш ёки велосипедни қайта ихтиро қилишга менгзаганлар.

Юзлаб олимлар неча замонлардан бери меҳнат қилиб, ислом таълимотини содда шаклда баён қилиб берган бир даврда, етрали илмга эга бўлмай туриб, Қуръон маънолари, ҳадиси шарифлар ҳукмлари, саҳоба ва тобеъинлар фатволари каби ғоят серқирра ва пурмаъно манбалардан мустақил фатво излаш асоссиздир. Зеро, дунёнинг таниқли олимлари суннийликдаги мазҳабларнинг тўғри эканига иттифоқ қилганлар ва уларнинг бу масалада яқдил фикрда экани бир ёки икки эмас, қарийб ўн уч асрдан бери давом этиб келаётгани маълум. Энди, илмий асосланган мактаблар - мазҳабларни инкор қилиб, ўзгача йўлни таклиф қилаётганлар устида тафаккур қилинса, уларда мувайян ғараз борлиги қўзга ташланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жаҳолатга қарши маърифат. Қўлланма. –Т.: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019.
2. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мазҳаблар – бирлик рамзи. Тошкент. “HILOLNASHR” нашриёти, 2020.
3. С.Саиджалолов. С.Саиджалолов. Динларлаги оқимлар ва секталар. –Т.: “Complex print”, 2019.
4. Исролдаги мазҳаблар ва оқимлар. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012.
5. Муҳаммад Али ал-Кутб. Основатели четырех мазхабов. – Санкт-Петербург: ДИЛЯ, 2005.
6. Абдулваҳҳоб Зоҳид. Ҳаёт ал-аимма ал-арбаъа. – Чонжу. Жанубий Корея, 2003.
7. Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий. Ла мазҳабия ахтору бидъатин тухаддиду шариъатал-исломияти. Дамашк: Мактаба дар-ал-Фарабий, 2005
8. Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Мақолот ал-Кавсарий. Қоҳира: Ал-мактаба ат-тавфиқия, 1997.
9. [Игнатенко, А. А. Ислам и политика: Сборник статей.](#) — Институт религии и политики. — Москва: Lites, 2017
10. Безмазхабность – мост, ведущий к безбожию. <https://darulfikr.ru/articles/fikh/bezmazhabnost-most-vedushhij-k-bezbozhiju>
11. Почему необходимо следовать мазхабу? <https://darulfikr.ru/articles/fikh/pochemu-neobhodimo-sledovat-mazhabu-chast-1/>